



2021-й. «2» февраль

№ 01-01/4-41

« » _____ 2021 г.

**Қорақалпоғистон Республикаси
халқ таълими вазири, Тошкент
шаҳар ва вилоятлар халқ
таълими бошқармалари
бошлиқларига**

Халқ таълими тизимидаги ташкилот ва муассасаларни малакали кадрлар билан таъминлаш, бўш иш ўринларига номзодларни танлашда замонавий тизимни яратиш, фидойи ходимларни қўллаб-қувватлаш юзасидан амалий ишлар олиб борилаётган бўлсада, жойларда ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳамон сақланиб қолмоқда.

Шу муносабат билан Сиздан, давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларига ўтказилаётган танлов жараёнида **меритократия тамойилига**, яъни қобилиятли шахсларни саралаб олиш, уларни хизмат поғоналари бўйича кўтарилишини ва ҳар томонлама қўллаб-қувватланишини таъминлаш ҳамда ишдан бўшатишда адолатли ёндашув асосида қуйидаги талабларга қатъий риоя қилиш сўралади:

барча бўш иш ўринлари ҳақида ish.mehnat.uz сайтига жойлаштириш, бунда, тегишли лавозим бўйича ish.uzedu.uz ҳамда vacancy.argos.uz сайтлари орқали эълон бериш ҳамда ҳужжатларни ушбу тизим орқали қабул қилиш;

бўш иш ўринларига номзодларни саралаб олиш, тавсия этиш ҳамда тайинлаш жараёнида таниш-билишчилик, маҳаллийчилик, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш;

раҳнамолик (асоссиз рағбатлантириш ва лавозимини ошириш) ҳамда бепарволик (фаолиятдаги камчиликларни учун чора кўрмаслик, ноқонуний ҳаракатларига эътибор бермаслик) ҳолатларига барҳам бериш;

ўз хизмат вазифаларини бажаришда шахсий манфаатдорликка, жумладан, таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларда ишлаб келаётган, фаолияти давомида ижобий натижаларга эришмаган ходимларни юқори лавозимларга тавсия этиш ва тайинлаш ҳолатларига йўл қўймаслик;

ташкилот ва муассасалар раҳбар ходимлари билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш бўйича аризалар ёзилишининг асл сабаби ва ҳақиқий аҳволни ўрганиш, ўз ишига масъулиятли, касбий маҳорати ва профессионалиги билан ўрнак бўлаётган ходимларнинг ноҳақ ишдан бўшатилишининг олдини олиш;

41

таълим даражаси юқори бўлган мактабларда самарали фаолият кўрсатаётган, кўп йиллар давомида юқори натижаларга эришиб, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган **фидойи педагогларни** ҳар томонлама **қўллаб-қувватлаш**, жумладан, уларни **Давлат ва тармоқ мукофотларига тавсия этиш**;

касбга оид сифатлари ва соҳадаги хизматларини одилона ва **объектив баҳолаш** асосида **энг муносиб** ва **қобилиятли шахсларни** меритократия тамойилига мувофиқ тегишли лавозимларга тавсия этиш ҳамда уларнинг **хизмат поғоналари бўйича кўтарилишини** амалиётга жорий қилиш.

Мазкур масалалар бўйича жойлардаги **биринчи раҳбарлар** шахсан жавобгар бўлиб, топшириқлар ижроси **сусайтириб юборилган** тақдирда, **интизомий чоралар** кўрилиши юзасидан **огоҳлантираман**.

Вазир



Ш.Шерматов